



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI TUPROQQAL’A TUMAN KENGASHI QARORI

Tuproqqal’a tuman “Yoshlik” mahallasi Komiljon Otaniyozov ko‘chasi, 1-uy

2021 - yil 8 - noyabr

VI-44-39-12-218-K/21

Tuproqqal'a tumani hokimligi

Тупроққалъа туманидаги “Темир дафтар” да рўйхатда турган тиббий ҳимояга муҳтож Юсупов Алишер Сапарбаевичнинг даволаниш харажатлари учун “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида.

Тупроққалъа туманидаги “Темир дафтар” да рўйхатда турган “Обод” маҳалласи, Ибн Сино кўчаси 42 уйда яшовчи 1972 йилда туғилган 1-гуруҳ ногирони Юсупов Алишер Сапарбаевичга “Қандли диабет II тип, Диабетик гломерулосклероз, СБЕ-IV босқич” ташҳиси қўйилган.

Юсупов Алишер Сапарбаевичга даволаниши учун “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан Тупроққалъа туман ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари И.Аллабергановнинг билдирган таклифи атрофлича муҳокама қилиниб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари И.Аллабергановнинг сектор ҳудудидаги “Темир дафтар”га киритилган тиббий ҳимояга муҳтожларга “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. “Темир дафтар”даги бемор Юсупов Алишер Сапарбаевичга даволаниши учун 10 000 000 (ўн миллион) сўм пул маблағларини “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамидан ажратилсин.
3. Темир дафтар”даги бемор Юсупов Алишер Сапарбаевичга даволаниши учун 10 000 000 (ўн миллион) сўм пул маблағи “Саҳоват ва кўмак” жамғармасидан турмуш ўртоғи Рўзимова Роҳат Атахановнанинг пластик карточкаси (8600 0609 1965 7388)га ўтказиб берилсин.

4. Тупроққалъа туман “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисобчиси Ш.Қурёзовга ўнатиш тартибда ажратилган маблағларни шартномага асосан йўналтириш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш” масалалари бўйича доимий комиссия раиси И.Қаландаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Салаев